

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

2026-yil
18-mart
CHORSHANBA
№ 22-23 (13883-84)

ОЛМАЛИҚ КОМБИНАТИ МИС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ДУНЁДАГИ УЧТА ЭНГ ЙИРИК КОМПЛЕКСДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 март куни Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташриф буюриб, 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш маросимида иштирок этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари мис концентратини ишлаб чиқариш жараёни ва комбинатда ташкил этилган Рақамлаштирилган бошқарув маркази фаолияти билан танишди, тоғ-кон саноатидаги йирик инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш маросимида қатнашди.

Юртимизда саноат, энергетика, инфратузилма, сервис соҳаларида кўплаб йирик лойиҳалар ишга туширилмоқда. Ҳар бир ҳудудда янги уй-жой масивлари, таълим ва тибби-

ёт муассасалари, туризм ва маданият масканлари бунёд этилмоқда.

Мамлакатимиз саноати ривожини учун стратегик аҳамиятга эга бўлган 3-мис бойитиш фабрикаси ҳам ана шундай кенг қўламли ишлар ва бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати маҳсулидир.

(Давоми 2-саҳифада) ▶



▼ **Арафа**
Халқимиз меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик фазилатларини асрлар давомида кадрлаб келади. Сўнгги йилларда миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглашдек эзгу амаллар янгича маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ШУКРОНАЛИК АЙЁМИ

Бу йилги Рамазон ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда, миллий, диний қадриятларимизга ҳамоҳанг тарзда ўтмоқда. "Рамазон – меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи" деган эзгу ғоя асосида ой давомида кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Уларга давлатимиз томонидан ажратилган 1 триллион 50 миллиард сўм маблағ аниқ манзилли қилиб етказилди.

Юртимиздаги 1,7 мингдан зиёд масжидларда хатми Қуръонлар ўқилди. Қуръони карим хатмидан кейин қилинган дуолар мустаҷоб бўлади, иншааллоҳ. Қадр кечасида республикамизнинг барча масжидларида Қуръони карим хатмоналарида мўмин-муслимонлар юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, шунингдек, беморларга шифо, муаммоси борларга наҳот сўраб дуога қўл очдилар.

(Давоми 6-саҳифада) ▶

Viloyat bo'ylab

OHANGARON tumanida muborak Ramazon oyi munosabati bilan Bolalar milliy tibbiyot markazi shifokorlari tomonidan salomatlik aksiyasi o'tkazildi. Unda malakali shifokorlar aholini kengaytirilgan tibbiy ko'rikdan o'tkazishdi. Aksiya doirasida bir qator yuqori texnologik jarrohlik amaliyotlarini amalga oshirish ham rejalashtirilgan.

Viloyat Ichki ishlar bosh boshqarmasi hamda qishloq xo'jaligi sohasida faoliyat yurituvchi rahbar va xodimlar uchun "Jaholatga qarshi ma'rifat bilan" shiori ostida targ'ibot tadbirlari tashkil etildi. Tadbirlarda mutaxassislar diniy bag'rikenglik va millatlararo totuvlikni mustahkamlash hamda jamiyatda ijtimoiy birdamlikni saqlashning ahamiyati haqida so'z yuritdilar. Shuningdek, yot g'oyalari ta'siriga tushib qolmaslik, internet tarmoqlarida tarqatilyotgan soxta va g'arazli ma'lumotlarga nisbatan immunitetni shakllantirishga jiddiy e'tibor qarash lozimligi ta'kidlandi.

TOSHKENT tumanining "Darxon" va "Sabzavot" mahallalari hududidagi 65 gektar maydonda yangi dendrologiya bog'i tashkil etilmoqda. Mazkur bog' hududning ekologik holatini yaxshilash bilan birga yosh avlodda tabiatga mehr uyg'otish, biologik xilma-xillikni asrash va ilmiy-amaliy tadqiqotlar olib borish uchun ham muhim maskanga aylanadi.

"Yallama" chegara bojxona postida "Elektron navbat" tizimi joriy etildi. Ushbu tizim chegaradan o'tish jarayonlarini avtomatlashtirish, jismoniy shaxslar, tovar va transport vositalarining harakatini yanada tartibga solish, chegara o'tkazish punktlari oldida avtotransport tirbandligini kamaytirish, shuningdek, haydovchilar uchun qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadida ishga tushirildi.

BO'STONLIQ tumanining "G'azalkent" mahallasi hududida "Yashil makon" umummilliy loyihasi doirasida "Vazirlar Mahkamasi bog'i" tashkil etildi. Mahalladan ajratilgan 50 so'tix yer maydoni tozalaniib, 320 tup manzarali daraxt ko'chatlari o'tqazildi.



6

▼ Бунёдкорлик Янгиланган "КИМЁГАР"

Олмалиқ шаҳридаги "Кимёгар" маҳалласи кенг қўламли бунёдкорлик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида янгича қиёфа акс этди. Янгиланган маҳалланинг тантанали очилиши Наврўз шодиёналарига улашиб кетди.

Маросимда янраган куй-қўшиқлар, миллий рақслар, беллашувлар барчага хуш кайфият бағишлади. Дошқозонда сумалак тайёрланиб, миллий қадриятларимиз яна бир бор намоён этилди.

Ўз муҳбиримиз



Ангрендан яхши хабарлар

Наврўз байрами арафасида Ангрен шаҳрида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг янги факультети ҳамда хорижий тилларни ўқитиш маркази фойдаланишга топширилди.

▼ Тухфа

Ўқув биноси 1 минг 500 нафар талабага мўлжалланган бўлиб, 600 ўринли талабалар тураржойи ҳам тўлиқ таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан тўлдирилди. Шу кун "Миграция ва хорижий тилларни ўқитиш маркази" ҳам ишга туширилди. Ушбу марказда хорижда ишлашни режалаштираётган фуқаролар


учун бепул таълим берилиб, уларни халқаро меҳнат бозори талабларига мос тайёрлаш мақсад қилинган. Шунингдек, шаҳардаги 2-сонли умумтаълим мактабида "Хорижий тилларни ривожлантириш ва ўқитиш маркази" очилиб, мактаб ўқувчилари учун янги имкониятлар яратилди.



“Ёшлик-1” конини ўзлаштириш дастури доирасида 196 гектар майдонда амалга оширилган қиймати 2 миллиард 700 миллион долларлик ушбу лойиҳа шунчаки корхона эмас, балки мамлакатимиз саноят қудратини янада мустақамлайдиган, табиий бойликларимизни чуқур қайта ишлашга хизмат қиладиган замонавий индустриал мажмуа ҳисобланади.

Фабрика йилга 60 миллион тонна маъдани қайта ишлаб, 900 минг тоннага яқин мис концентрати ишлаб чиқариш қуввати билан нафақат Марказий Осиёдаги энг йирик мис ишлаб чиқарувчи мажмуалардан бири, балки дунёдаги йирик бойитиш фабрикалари сирасига қиради.

Лойиҳани жаҳон стандартлари даражасида амалга ошириш мақсадида Италиянинг “Wood”, Буюк Британиянинг “Worley Parsons” каби компаниялар жалб этилди. Фабрикада жаҳоннинг етакчи компаниялари – “Metso”, “FLSmidth”, “Weir Minerals” ва “Siemens” технологиялари жорий қилинган.



Мазкур лойиҳа ҳудуддаги турдош саноят тармоқлари ривожига ҳам кучли туртки берди. Қурилишда ишлатилган металл конструкциялар ҳажмига тенг материалдан 10 та Эйфель минораси, темир-бетон сарфига эса қарийб 2,5 та Бурж Халифа минорасини барпо этиш мумкин. Бу фабриканинг мегалойиҳа эканини яна бир бор тасдиқлайди.

“Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида фабрика ҳудудида кенг қўламли кўчалар, экинчи даражадаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Томчилик суғориш тизимлари ва экодизайн ечимлари саноят ҳамда табиат мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз ўз нутқида сўнгги йилларда тоғ-кон санютида амалга оширилган ислохотлар натижалари ва келгуси режалар ҳақида сўз юртиди.

Конларни инвесторларга бериш бўйича шаффоф тизим яратилганининг ҳисобига тўққиз йилда 10 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилди. Бугун соҳада 65 та хусусий корхона фаолият юритмоқда.

Натижада тармоқда ишлаб чиқариш 1,7 баробар ўсиб, ўтган йилда 270 триллион сўмга етди. Саноят ҳажми ва бюджетга тушумнинг тўртдан бири ушбу тармоқ ҳиссасига тўғри келмоқда. Мухими, юқори даромадли энг кўп иш ўринлари ҳам айнан шу соҳадаги корхоналарда.

Хорижий ҳамкорлар билан юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилгани ҳам энг катта ютуқлардан бири бўлгани таъкидланди.

Хусусан, Олмалиқда “Москва пўлат ва қоршмалар институти” университети филиали (“МИСиС”), Олмалиқ техника институти, Тошкент шахрида Геология фанлари университети (Ухань геология университети билан ҳамкорликда) ҳамда Италиянинг Пиза университети филиали ташкил қилинди. Навоий кончилик технологиялари университетида ҳам Россия, Канада, АҚШ, Франция ва Чилининг илғор олийгоҳлари билан қўшма дастурлар йўлга қўйилди.

Бунинг самараси ўлароқ, илгари қимматбаҳо ва рангли металллар асосан хом ашё шаклида экспорт қилинган бўлса, бугун йилга 100 минг тонна мис ўзимизда қайта ишланиб, юқори қийматли маҳсулот яратилмоқда, қисқа муддатда заргарлик санютида ишлаб чиқариш 3,3 карра ўсиб, 13 триллион сўмдан ошди.

Президентимиз жорий йилнинг ўзида ишга тушадиган лойиҳаларни ҳисобга олиб, мисни чуқур

қайта ишлаш қувватлари 240 минг тоннага етишини таъкидлади. Яқин икки-уч йилдаги янги лойиҳалар натижасида бу кўрсаткичлар янада ошади.

Мис санюти, энергетика, электротехника, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, “яшил” тараққиёт учун стратегик хом ашёга айланган кўрсатиб ўтилди.

– Кимки мис санютида юқори қиймат занжирини яратса, келажак санютини барпо этган бўлади. Қайси давлат бу хом ашёни чуқур қайта ишлаш учун кучли инфратузилма яратса, у минглаб оилаларга даромад, ҳудудларга тараққиёт, мамлакатга қудрат олиб келади. Шу боис, биз ислохотларимизнинг илк кунларидан геология-қидирув ишларига алоҳида эътибор қаратиб, мавжуд захиралар ва уларни ишга солиш бўйича имкониятларимизни белгилаб олдик, – деди давлатимиз раҳбари.

Биргина “Ёшлик-1” конидан жорий йилнинг ўзида 20 миллион тонна руда қазиб олинади. Бу рақам келгуси икки йилда 60 миллион

корларга чуқур миннатдорлик билдирди. Фабриканинг янги меҳнат жамоасига эса келгуси ишларида улкан зафарлар тилади.

Комбинат ишчилари, меҳнат фахрийлари, профессор-ўқитувчилар билан мулоқот бўлди.

Маросим якунида давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, фабрика фаолиятига старт берди. Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинатида барпо этилган мис концентратини филтрлаш корпусида бўлди.

3-мис бойитиш фабрикаси таркибидagi корпус йилга 917 минг тоннага яқин мис концентрати ишлаб чиқариш қувватига эга. Замонавий санюти пресс-филтрлаш, насос агрегатлари, шлам ва сув айланма тизимлари ўрнатилган. Усуналар халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, юқори самарадорлик ва энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, корпусда умумий

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарига комбинатнинг ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларини янада рақамлаштириш бўйича режалар тақдимот қилинди.

Қайд этилганидек, кондан маъдан қазиб олишдан бошлангача бўлган барча жараёнлар босқич-ма-босқич рақамлаштирилмоқда. Келгуси беш йилда ҳар бир босқичга сунъий интеллект ечимларини кенг жорий этиш кўзда тутилган.

Саксон йил давомида тўпланган геологик ва маркшейдерлик маълумотлари асосида конларни рақамлаштириш ишларининг бориши ҳақида ҳам ахборот берилди. Жумладан, “Рақамли кон” тизими кунлик, ҳафталик ва ойлик қазил ишларининг аниқ йўналишларини белгилаш имконини бермоқда.

Сунъий интеллект асосида карьер йўллари ҳолати назорат қилинмоқда, самосвал шиналарининг босими ва ҳарорати датчиклар орқали кузатиб борилмоқда. Ана шундай доимий мониторинг натижасида шиналарнинг хизмат муд-

қадар Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқариши 175 тоннага, кумушни 500 тоннага, урани 15 минг тоннага, мисни 500 минг тоннага етказиш бўйича белгиланган марраларга эришиш учун барча имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борада ҳар бир йирик лойиҳани аниқ график асосида амалга ошириш, молиялаштириш, қурилиш, логистика, технологик жиҳозлаш ва кадрлар билан таъминлаш масалаларини ўзаро уйғунликда ҳал қилиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йигилишда, аввало, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган стратегик лойиҳаларнинг бориши танқидий кўриб чиқилди. Хусусан, 3-мис бойитиш фабрикасининг кейинги навбатларини жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Шунингдек, мазкур лойиҳанинг технологик давоми ҳисобланган янги мис эритиш заводини барпо этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Унда техник-иқтисодий асосни

инвесторлар билан ҳамкорлик механизmlарини қайта кўриб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Металлургия йўналишида “Ўзметкомбинат”да ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички хом ашё базасидан самарали фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтириш, бозор талабига мос металл листлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди. Бу борада хом ашё таъминоти, маҳсулот турларини диверсификация қилиш ва янги бозорларни ўзлаштириш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Йигилишда Техноложик металл комбинати фаолиятига ҳам тўхталиниб, санюти учун муҳим металллар ва мураккаб қотишмалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, селен, теллур, кукун металлургияси деталлари ва бошқа юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Тармоқ корхоналарида таннархни пасайтириш ва харажатларни қисқартириш масалалари ҳам диққат марказида бўлди. Мутасаддиларга бир бирлик маҳсулот таннархини қисқартириш, энергия сарфини камайтириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш ва ойма-ой аниқ натижаларга эришиш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқиш топширилди.

Давлат харидлари ва кооперация соҳасида маҳаллий компонентни кенгайтиришга алоҳида ургу берилди. Шу боис, мутасаддиларга лойиҳалар ва харидларда маҳаллий компонент улушини жорий йилда 2 миллиард доллардан ошириш бўйича аниқ кўрсаткичлар белгилаб берилди.

Шунингдек, геология-қидирув ишларини кучайтириш, қўшимча захираларни аниқлаш, янги кон ва инвестиция блокларини инвесторларга тақлиф қилиш, углеводородга истиқболли майдонларни иқтисодиётга жалб этиш бўйича режалар муҳокама қилинди. Бу йўналишда жорий йилда олтин, кумуш, мис, уран ва рух захираларини сезиларли ошириш вазифаси қўйилди.

Йигилишда соҳада амалга оширилаётган 22 миллиард долларлик лойиҳалар доирасида 38 мингта янги иш ўрни яратилиши, жумладан, 7,5 минг муҳандис ва 14 минг ўрта бўғин мутахассисларига эҳтиёж пайдо бўлиши қайд этилди. Шу муносабат билан соҳадаги олий таълим муассасалари ва техникумлар фаолиятини янги талаблар асосида ташкил этиш, таълим дастурларини замонавий технологияларга мослаштириш, дуал таълимни кенг жорий этиш, диплом ишларини бевосита ишлаб чиқариш вазифалари билан боғлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, олийгоҳлардаги илмий тадқиқотларни комбинатлардаги амалий технологик ечимларга йўналтириш, илмий ишлар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, талабалар учун ўқув-машғулот полигонларини ташкил қилиш, санюти корхоналарида цехларни амалиёт ва тадқиқотлар учун мослаштириш вазифалари белгиланди.

Янги лойиҳалар доирасидаги долзарб илмий мавзулар рўйхатини очиб эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш топширилди. Бу тадқиқотларда соҳадаги 5 та олийгоҳ билан бир қаторда техника йўналишидаги барча давлат, хусусий олийгоҳ ва илмий ташкилотлар иштирок этиши мумкин бўлади.

Йигилиш якунида тоғ-кон, металлургия, кимё ва нефть-газ каби базавий тармоқларда йирик лойиҳалар ижросини тизимли назорат қилиш мақсадида Президент раҳбарлигида Санюти кенгаши тузилиши маълум қилинди. Ушбу кенгаш доирасида йирик корхоналарни халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш, таннарх ва энергия сарфини камайтириш, хом ашёни чуқур қайта ишлаш, маҳаллий контентни ошириш, барча жараёнларни рақамлаштириш, сунъий интеллектни жорий этиш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш бўйича ойлик иш режалари тасдиқланади.

Мутасадди раҳбарларга ушбу режалар ижросини ҳар ой жойларга чиққан ҳолда корхонабай танқидий муҳокама қилиш, мавжуд масалаларни тезкор ҳал этиш ва ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот киритиб бориш топширилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўза Мухбирлари

ОЛМАЛИҚ КОМБИНАТИ МИС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ДУНЁДАГИ УЧТА ЭНГ ЙИРИК КОМПЛЕКСДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ

тоннага етди.

Умуман, “Ёшлик-1” ва “Қалмоққир” конларида 45 миллион тонна мис, 5 минг тоннадан зиёд олтин захирасининг борлиги, ушбу захира санютига камида 100 йилга етadиган қафолатли хом ашё базаси бўлиши таъкидланди. Конлардаги молибден, селен, теллур, рений каби ноёб металллар янги инновацион йўналишлардаги лойиҳалар учун мустақкам замин яратади.

3-мис бойитиш фабрикаси тўлиқ ишга тушганидан кейин Олмалиқ комбинатида мис концентратининг кунлик ҳажми ҳозирги 2 минг 400 тоннадан 5 минг тоннага ошади. Шу билан бирга, лойиҳа доирасида 6 мингдан зиёд ёшлар юқори даромадли иш жойига эга бўлади. Фабрикада АҚШ, Германия, Россия, Хитой ва Финляндиянинг тоғ-кон санютидаги энг илғор технологиялари жорий қилинмоқда. Барча технологик жараёнлар рақамлаштирилиб, сунъий интеллект асосида ягона бошқарув тизими уланади. Буларнинг ҳисобига энергия сарфи 10 фоизга, таннарх 15 фоизга камаёди, меҳнат унумдорлиги эса 10 фоизга ошади.

Бундан ташқари, қиймати 2,5 миллиард долларлик янги мис эритиш заводини барпо этиш бўйича ишлар ҳам бошланган.

Умуман, ушбу 2 та йирик қувват ҳисобига мис катоди ишлаб чиқариш йиллик ҳажми 148,5 минг тоннадан 300 минг тоннага, олтин 20 тоннадан 33 тоннага, кумуш 161 тоннадан 203 тоннага, молибден 850 тоннадан 1,7 минг тоннага етиши таъкидланди. Шу билан бирга, уран қазиб олиш ва кимё санюти учун зарур хом ашё бўлган сульфат кислотасини ишлаб чиқариш 3 карра ошади.

Президентимиз бу кўрсаткичларни яна 1,5 карра оширишга хизмат қиладиган 4-мисни бойитиш фабрикаси бўйича лойиҳаларни таъкидлади.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар ишлаб чиқаришни олтинда 175 тоннага, кумушда 500 тоннага, уранда 15 минг тоннага, мисда 500 минг тоннага етказишни мақсад қилган. Бу борада амалга оширилаётган 22 миллиард долларлик лойиҳалар доирасида яратилаётган 40 мингга яқин юқори даромадли иш ўринлари ёшларимиз учун катта имконият бўлади.

Давлатимиз раҳбари фабрикани қуришда фаол иштирок этаётган барча ишчи-ҳодимлар, қурувчи ва машинистлар, муҳандис ва технологлар, геолог ва кончилар, ўзининг тажрибаси ва касбий салоҳияти билан ёшларга устозлик қиладиган фахрийлар, лойиҳага ўз ҳиссасини қўшаётган хорижий ҳам-

5 та пресс-филтрдан 3 таси тўлиқ ишга туширилган, яна 2 таси ишга туширишга ҳозирланмоқда.

Филтрлаш корпусида флотация жараёнидан келган мис концентратини қабул қилиш, концентратни қуюлтириш ва филтрлаш, тиндирилган сувни ажратиш ва қайта ишлаб чиқаришга қайтариш, тайёр мис концентратини сақлаш ёки кейинги қайта ишлаш босқичига узатиш каби технологик жараёнлар амалга оширилади.

Бугунги кунда бу ерда 130 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарини иш жараёни ва тайёр маҳсулотни кўздан кечирди, ходимлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз ишчирликда шу ернинг ўзида мис концентратидан намуналар олиш маросими ўтказилди. Намуналар 2 та алоҳида идишга солиниб, Олмалиқ комбинати музейи ва Тошкентдаги Давлат геология музейига юборилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ташкил этилган Рақамлаштирилган бошқарув маркази фаолияти билан танишди.

Мазкур марказ комбинатнинг 1-, 2- ва 3-мис бойитиш фабрикаларидаги ишлаб чиқариш жараёнларини мувофиқлаштириш, самарадорликни ошириш ва узлуксиз мониторингни таъминлашда муҳим ўрн тутмоқда.

Замонавий рақамли бошқарув тизимлари, катта экранли мониторинг панеллари, видеокузатув воситалари, шунингдек, “Siemens PCS 7” ва “AVEVA PI Vision” платформалари орқали майдалаш, флотация, қуюлтириш, филтрлаш, реагентлар билан таъминлаш, технологик сув таъминоти, цехлар ва транспорт тизими фаолияти реал вақт режимида назорат қилинмоқда.

Бошқача айтганда, ушбу марказ фабриканинг ўзига хос “мияси” бўлиб, йигирма мингдан зиёд усуналар ягона ахборот тизимига уланган. “Ақлли” камералар орқали дастлабки мониторинг амалга оширилади, сунъий интеллект ёрдамида эса аномал ҳолатлар автоматик тарзда аниқланади. Бу маълумотларни ягона ахборот тизими орқали таҳлил қилиш ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Президентимиз марказ фаолияти билан танишар экан, сунъий интеллект орқали, айниқса, тоғ-кон ва металлургия тармоқларида самарадорликни ошириш бўйича катта имкониятлар борлигини таъкидлади. Шу билан бирга, сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш мақсадида замонавий ресурс тежовчи технологияларни кенг жорий этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

дати 14 фоизга оширилган.

Соҳада замонавий технологияларни чуқур ўзлаштирган мутахассислар тайёрлаш, кадрларни янги иш усуллари ва рақамли ечимлар асосида ўқитиш устувор вазифалардан бири экани кўрсатиб ўтилди.

Патент ишлари қўламини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Фабрикадаги ҳар бир босқичда қўлланилаётган илмий-технологик ечимларнинг патентлаш, бу борада ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, истиқболли инновацион йўналишларни белгилаб олиш зарурлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, янги патент бу – янги технология, янги ишлаб



чиқариш йўналиши ва янги бозорлар, демек. Мамлакатимиздаги бой хом ашё базаси жаҳон бозорларига чиқиш учун кенг имкониятлар яратаётгани инobatга олинди, 2026 йилда қайси истиқболли йўналишларда яна қанча патент олиш мумкинлиги юзасидан аниқ ёндашувларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ташкил этилган янги қарор имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Ҳукуматга ушбу лойиҳалар доирасидаги ташкилий ва ҳуқуқий масалаларни қисқа муддатда ҳал қилиш топширилди.

Энергетика ресурсларига бўлган талаб ортиб бораётган шароитда кўмир қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш лойиҳаларини жадаллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли ва санюти корхоналарига кўмир етказиб бериш ҳажмини ошириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Шу муносабат билан 2030 йилга

якунлаш, хорижий экспертларни жалб қилиш, қисқа муддатларда қурилиш ишларини бошлаш юзасидан масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Олмалиқ комбинатининг истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 4-мис бойитиш фабрикаси ишлаб чиқиш учун нуфузли халқаро компанияларни жалб этиш вазифаси алоҳида кўрсатиб ўтилди. Ушбу ҳужжатда сув таъминоти, темир йўл, энергетика инфратузилмаси, экологик талаблар ва юқори самарали технологияларни комплекс қамраб олиш лозимлиги таъкидланди.

Йигилишда жорий йил учун тармоқда 90 та лойиҳа доирасида 2

Азиз юртдошлар! Барчангизни шарқона янги йил —



Наврўз умумхалқ байрами билан самимий қутлаймиз!

*Фасли навбахор ҳар бир оила, ҳар бир маҳаллага, элу юртимизга
файз ва фаровонлик, бахту саодат олиб келсин!*

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Тошкент вилояти ҳокимлиги

▼ Yaxshi xabar

**Chirchiqda
o'quvchilar uchun yangi
qulayliklar yaratildi**



Navro'z bayrami arafasida Chirchiq shahridagi 15-maktabning 720 o'rinni zamonaviy qo'shimcha binosi foydalanishga topshirildi. Mazkur tadbirda shahar hokimi, tegishli tashkilotlar mutasaddilari, nuroniy-lar hamda maktab jamoasi ishtirok etdi.

Tadbirda mamlakatimizda ta'lim tizimini yanada rivojlantirishga qaratilayotgan e'tibor, amalga oshirilayotgan buniyodkorlik ishlarining ahamiyati alohida ta'kidlandi. Qolaversa, inshootni barpo etishda ishtirok etgan quruvchilar, muhandislar va barcha mas'ullarga minnatdorlik bildirildi.

Shuningdek, tadbir ishtirokchilari tomonidan "Yashil makon" umummilliy loyihasi doirasida maktab hududida daraxt ko'chatlari ekildi.

Ta'kidlash joizki, yangi bino xonalari barcha zarur vositalar bilan ta'minlangan. Mazkur shart-sharoitlar maktab imkoniyatlarini yanada kengaytirib, o'quvchilarning sifatli bilim olishi, mustaqil fikrlashi hamda o'z iqtidor va salohiyatini to'liq ro'yobga chiqarishiga xizmat qiladi.

▼ Томорқа – хазина

ИМКОНИЯТ ҲАМ СИНОВ

**ундан тўғри фойдаланилмаса
кутилган натижага эришилмайди**

Сўнги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини барқарор ва изчил ривожлантириш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, янги даромад манбаларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ўзгаришлар натижасида аҳоли учун кенг имкониятлар ва қўшимча имтиёзлар яратилиб, уларнинг иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда муҳим қадамлар ташланмоқда.



Хусусан, томорқа ер майдонлари ва деҳқон хўжалиқларига ижарага берилган ерлар аҳоли даромадини ошириш, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва экспортбop маҳсулотлар етиштиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилда вилоятнинг 883 та маҳалласидаги 32 минг 315 гектар аҳоли томорқаси ва 19 минг 736 гектар деҳқон хўжалиқларига ижарага берилган ер майдонларида баҳорги экинлар экиш режалаштирилган. Пировардида юқори даромадли, экспортбop ва бозор талабига мос маҳсулотлар етиштириш, қолаверса, минглаб оилаларнинг даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтириш кўзда тутилган.

Давлатимиз томонидан аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор имтиёзлар жорий этилган, — дейди Тошкент вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи Зиёдбек Йулдошев. — Хусусан, намунали ва инновацион лойиҳалар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача

2 миллион сўмдан 75 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Вертикал суғориш қудуқлари харажатларининг 100 фоизи (белгиланган миқдоргача) қоплаб берилади. Жойларда қудуқ бургулаш ва қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг 70 фоизи субсидия қилинади. Шунингдек, узумчилик, боғдорчилик ва томчилатиб суғориш тизимлари учун аҳолига молиявий кўмак кўрсатилади. 7 йилгача имтиёзли кредитлар ҳамда 5 йилгача лизинг асосида ускуналар ажратилади.

Таъкидлаш жоизки, томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш устидан ҳар чоракда мониторинг ўтказиб борилади. Ер майдонлари қаровсиз қолдирилган тақдирда берилган имтиёзлар бекор қилиниши, кредит маблағлари ажратилмаслиги ҳамда ер солиғи миқдори оширилиши мумкин.

Тошкент вилоятида яратилган бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, яхшигина даромад олиб, оиласи фаровонлигини таъминлаётганлар талайгина. Жумладан, Оҳангарон туманида яшовчи Дилшод Пўлатов ўзининг томорқасида 10 сотихли иссиқхона ташкил қилиб, қулпнай етиштирмоқда.

— Бу соҳага телевидениедаги кўрсатувларни томоша қилиб қизиқиб қолганман, — дейди Дилшод Пўлатов. — Бир сотих ердан шунчалик даромад олиш мумкинлигини эшитганимда аввалига унчалик ишонмагандим. Аммо қизиқиб ва интилиш туфайли оилавий тadbirkorликни бошлаб юбордик. Қулпнай кўчатлари 2025 йил ноябрь ойида экилган. Ҳар бир кўчатга меҳр бериб, тўғри парвариш қилинса, қулпнай ҳосили олиш мумкин. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, банкдан имтиёзли кредит олдик. Бу йил 400 миллион сўм атрофида даромад олишни режалаштиряпмиз.

Мухтасар айтганда, аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжалиқларидан унумли фойдаланиш нафақат оилалар даромадини кўпайтириш, балки қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ички бозорни маҳсулотлар билан таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яратилаётган имкониятлар ҳамда молиявий кўмаклар эса фуқароларни тadbirkorликка кенг жалб этиб, уларнинг фаровон ҳаёт кечиршида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Зўҳридин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

▼ “Тошкент ҳақиқати” йўқлови

“Wikipedia”нинг машъум хатоси

Мус- тақил- лик дав- ридаги бирин- чи ўзбек хусусий газетаси- ни била- сизми?

Wikipedia ва сунъий интел- лект маълумотларига кўра, бу газета 1999 йил март ойида “Да- ракчи” номи билан Самарқанд шаҳрида чоп этилган экан. Буни қарангки, ҳатто Google опера- цион қидирув тизими ҳам шун- дай фикрда. Лекин, ҳеч кимдан ҳеч нима тама қилмаган ҳолда бор ҳақиқат- ни айтишга мажбурман: бу унча- лик ҳам тўғри маълумот эмас!

Мелибоев келиб қолдилар. Янги ивтилган бир коса қат- тикни ичгулик вақт ўтгунча дадам устоз журналистга менинг хусусий газетам ҳақида қўшиб-чатиб гапи- риб бердилар. Мен бир чеккада ийманиб турибман. Дадамнинг қистовлари билан “Оқибат”нинг дастлабки 3-4 сонини олиб чиқиб, Аҳмаддон аканинг кўлига тутдим. Катта газетанинг бош муҳаррири оилавий газетанинг ёш муҳарри- рига ҳайрат билан боқиб, дадамга: “Бу болани эртагаёқ тахририятга олиб борин”, деб тайинладилар. Ушанда мен биринчи марта ҳақиқий газета тахририятини кўр-

касбимизга оид илк сабоқларни олганман. Икки “бош муҳаррир”- нинг суҳбати анча узоқ – газетага мавзу танлашдан тортиб, обуна муаммоларига давом этганди. “Оқибат” материаллари кўпроқ танқидий йўналишда эди. Хусу- сан, газетамизда оила катталари берган баъзи ваъдаларнинг ўз вақтида бажарилмаётгани тўғри- сида юмористик гинахонликлар, танқидий чиқишлар ҳам бўлиб турарди. Бундай “жасорат” учун калтак охири-оқиба барибир му- ҳаррирнинг бошида синишини айтганимда, Аҳмаддон ака газета- нинг сўнгги саҳифасидаги “чиқиш

туширган. Икки-уч кун ўтиб бу су- рат юқорида тилга олинган мақо- лага илова қилиниб, “Оила ва жа- мия” газетасида босилган. Устоз муҳаррир мақолада шун- дай ёзадилар: “Бир қарашда, эҳтимол, катта воқеа эмасдир. Ота касбига эрга- шиб, журналистикага ҳавас қўй- ган ёш бир йигит оилавий газета чиқарса, чиқаргандир-да. Аммо “Оқибат”нинг дастлабки сонлари билан танишган кишининг фикри дарҳол ўзгаради. Яхши томонга! Негаки, “Оқибат” кўп жиҳатдан бизда ҳозир бодроқдай бўлиб кун- дан-кунга кўпаяётган айрим тар-

да ҳам бу кутлуғ даргоҳдан узилиб кетолмадик.

Устозимизнинг соҳамизга энди кириб келаётган ёшларга катта сабоқ бўладиган бир гаплари бор: “Ёзишга мавзу йўқ дейдиган ёки менга мавзу беринг” дейдиганлар- дан журналист чиқмайди!”

Ҳар гал устоз ёзган матери- аллари ўқиганимда маъзу журналисти мавзун эмас, мавзу журналисти қидириб топгандек, келтирилган мисол ёки воқеа худди Мелибоев маза қилиб ёзиши учун содир бўл- гандек туюлаверади.

Шахсий кузатувим шундай: назар- римда, бадий ижодда устозларнинг ҳам икки тоифаси бор. Биринчи тои- фанинг ёзиш услуби ўзидан кейинги авлодга йўл кўрсатади – бу йўлга эргашганинг қалами равлонлашиб бораверади. Иккинчи тоифа эса қанчалар зўр ёзмасин, услуби ўзи- дан кейингиларга “йўл бермайди” – бу услубга тақлид қилган ҳаваскор йўл ярмида бошини қай кунжакка уришни билмай доғда қолади...

Масалан, мен шеърятда Эркин Воҳидов, насрда Хайрид- дин Султон, публицистикада Аҳмаддон Мелибоев каби устоз- ларнинг услубига ҳавас қилган ва эргашган ўнлаб, юзлаб ёшлар ижодда жуда равлон кетганлари- ни биламан ва бу борада исталган муҳолиф фикр эгаси билан баҳслашишга тайёрман.

Дарвоқе, Аҳмаддон Мелибоев- га “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони берил- ганида, ижтимоий тармоқлар “Ия, бу одамга ҳали бундай унвон берилма- ганмиди?” қабилидаги баҳсу муно- зараларга тўлиб кетган эди. Негаки, устозимизнинг маънавий-маданий ҳаётимиздаги беқиёс хизматларини кўпчилик жуда яхши билади ва юк- сак қадрлайди. Ҳар ҳолда, “Бу одам ҳам унвон олибдими?” деган гап қайдаю “Бу одамга ҳали унвон бе- рилмаганмиди?” деган гап қайда?!

Фурсатдан фойдаланиб, кутлуғ ёшларга етган, эл-юртимиз учун беқи- ёс хизматлар кўрсатган Устозимизга яна кўп йиллар меҳнатларининг роҳатини кўриб юринг, дейимиз. Алоҳида хурмат билан,
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
“Оқибат” газетасининг собиқ бош муҳаррири

Истиклолдан кейинги биринчи ўзбек хусусий газетаси 1998 йил- нинг январь ойидан “Оқибат” номи билан Қўбрай туманининг Дўрмон қишлоғида нашр этила бошланган. Бор-йўғи 7 сони чоп этилган ва... тугатилган. Миллий журналистикамиз- нинг яқин ўтмиш солномаси учун жуда муҳим бўлган бундай дадил даъвои келтиришга “маънавий, ҳуқуқий ва тарихий асос”ларимиз етарли. Энг асосийси, бу тарихий воқе- лик ҳақида “Оила ва жамия” га- зетасининг 1998 йил, 26 июнь со- нида устоз журналист Аҳмаддон Мелибоевнинг “Дўрмоннинг меҳр ҳовлиси” номли каттагина мақо- ласида батафсил баён этилган. Бу газета нусхалари айни пайтда Миллий кутубхонада, “Оила ва жа- мия” (ҳозирги “Оила ва табиат”) тахририяти, шунингдек, муаллиф ҳамда мақола қаҳрамонининг шах- сий архивида сақланиб турибди. Ишонмаганлар бемалол келиб, та- нишиб чиқишлари мумкин... Гап шундаки, 1998 йил мам- лакатимизда Оила йили деб номланган эди. Уша кезлар ўрта мактабнинг 9-синфида ўқирдим. Ўзимча Оила йилига “ўз ҳиссам”-

ни қўшмоқчи бўлдим. Нима иш қилсам экан, дея роса ўйладим. Охири, йил номидан келиб чиқиб, оиламизга бағишланган “Оқибат” номли газета нашр этишга қарор қилдим... Бир оиланинг маърифий га- зетасини чоп этишнинг ҳозир би- ровга қизиғи ва аҳамияти бўлмас- лиги мумкин. Лекин, у пайтдаги “ахборот муҳити” буни бемалол кўтарарди. Боз устига, хонадо- нимиз – катта ҳужалик. Тўрт ака- ука, тўртта келин, қанчадан-қанча набиралар битта ҳовлида, Меҳри бувимиз раҳбарлигида яшардик. Худди Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” спектаклидаги каби. Ҳовли кенг. Чорвачилик, қу- рилиш, экин-тикин, сигир-бузоқ, сут-қатик – ҳаммасидан бор эди. Яна денг, катта ҳовлида нима кўп – гап кўп! Шу хонадонда ўсиб- улғаяётган журналистикага ҳавас- манд бир ўспирин учун буларнинг турдан-битгани газетабоп мавзу- лар эди-да... ... Ушанда газетанинг эндигина 4 та сони чоп этилганди. Бир куни тушлик маҳали уйимизга дадам- нинг қадрдон дўстлари – “Ўзбекис- тон адабиёти ва санъати” газета- сининг бош муҳаррири Аҳмаддон



маълумотла- ри”га шундай изоҳ қўшиб берганлар: “Газета оммага тарқатилмайди. Журналист Раҳматилла Шералие- вга тегишли эски ёзув машин- касида бир нусхада кўчирилган, холос. Ундаги материалларда келтирилган факт ва рақамлар- га фақат муҳарриргина жавобгар эмас...” Бош муҳаррир кабинетидagi шу суҳбатимиз лаҳзаларини фото- граф Александр Гранкин суратга

▼ Қадриятларимиз

– Бобожон, бобожон! Ур-ре-е! Варрагимнинг учишини кўринг, бобожон, шамолларни қувиб кетяпти. Ҳамманиқидан ўзиб кетди. Асилбекнинг шодон товуши самоларни тутиб кетди. Нурали бобо айвондан чиқиб, қўлини пешонасига соябон қилиб кўкка қаради. Қўёнинг заррин нурлари ила ёришган мовий осмон бағрида майин шамолда тебраниб, эркин учатган варрак шунчалик баянда эдики, миттигина қўшдек бўлиб кўзга ташланарди. – Баракалла, болам, баракалла! – деди бобо завқланиб. Асилбек ҳовли этагидagi баландликда оёқларини ерга тираганча шамол таранг тортган ипни маҳкам ушлаб, варрагини яна ҳам баланд учирдиш илинжида эди...

ВАРРАКЛАР “РАҚСИ”

Болаларга чексиз қувонч ула- шадиган варракнинг ҳам ўз та- рихи бор. Маълумотларга кўра, варраклар илк бор икки минг йил- лар олдин Хитойда пайдо бўлган. У вақтларда варраклар илмий ва ҳарбий мақсадларда ҳам қўлла- нилган. XIX аср охири ва XX аср бош- ларида варраклар ёрдамида ат- мосферанинг юқори қатламлари ўрганилган, ҳатто айрим жойлар- ни ҳаводан суратга олишда ҳам фойдаланилган. Кейинчалик са- молёт ва бошқа учуш ускуна- ларининг ривожланиши билан варраклар асосан спорт ва кўнглинчар машғулот сифатида сақланиб қолди. Варракнинг асосий қисми қам- ишларга таранг тортилган мато ёки махсус қозғондан иборат аэро- динамик сиртдир. Одатда у беш қамишли (оддий), икки қамишли (лайлакчи) турларга бўлинади. Сирт шаклига кўра бир ва кўп те- кисли варраклар ҳам мавжуд. Оддий варрак ясашда қозғоқ ёки мато тўғри тўртбурчак шакл- да бўкилади. Бир хил йўғонлик- даги қамишлар унга елим билан ёпиштирилади. Кейин белмак, бошмак ва шохмаклар боғла- нади, шокилдалар ўрнатиллади. Шамолда шовқин чиқариши учун бошмак қисмига махсус дардарак ҳам қўшилади. Варрак учирдиш аънанаси бизнинг юртимизда ҳам азалдан бор. Айниқса, баҳор келиши билан болалар ва ҳатто катталар ҳам варрак ясашга киришишади. Осмон муссаффо, шамол майин бўлган кунларда дала-ҳовли- лар, тепаликлар ва боғлар вар- рак учирган болалар шовқинига тўлади. Қадимдан Наврўз сайиллари- да варрак мусобақалари ўтказиб келинган. Кимнинг варраги ба- ланд учса, самода узоқроқ турса

ёки ким бошқалардан чиройли варрак ясаса – шу ғолиб деб то- пилган. Бу мусобақа ҳали ҳануз Наврўз сайилларида ўтказилади. Қизиқарли жиҳати шундаки, айрим халқларда варрак омад ва бахт рамзи ҳисобланади. Баҳор- да уни осмонга учирдиш – янги мавсумни қувонч билан кутиб олиш, табиат билан уйғунлиқни ҳис этиш маъносини ҳам англа- тади. – Болалигимизда ҳар фасл- нинг ўз уйини бўларди, – дейди зангиоталик нуроний Рам- зиддин Умаров. – Айниқ- са, баҳорда варрак учирдиш бизга ўзгача завқ берарди. У пайтларда варрак ясаш осон эмасди. Қўйинчилик билан қозғоқ ва қамиш топардик. Елим ўрнига ундан суюқ хамир тайёр- лардик. Кейин катталардан: “Вар- рак ясаб беринг”, деб илтимос қи- лардик. Варрак тайёр бўлгач, думини эски ма- толардан ясардик. Энг қийини, ғал- тат-ип топиш эди. Онамиз тикиш учун ишлатадиган ғалтакни бермас, “тегманлар” деб огоҳлантиришига қарамай пайт пой- лаб олиб чиқиб кетардик. Шунча босқичдан ўтиб ясалган варрак биз учун жуда қадрли бўлар- ди. Уни жуда эҳтиётлаб учириб, яна олиб кўяр эдик. Ҳозир бола- ларнинг варрак учираётганини кўриб, ўша беғубор давримиз кўз олдимда жонланади. Бугунги кунда варрак учирдиш аънанаси сақланиб қолган бўл- са-да, уни ўз қўли билан ясаш камайиб бормоқда. Илгари вар- рак ясаш жараёни бир хунар, қи- зикарли машғулот ҳисобланарди.

Болалар катталардан уни ясаш сирларини ўрганиб, ҳар ким ўз варрагини бошқаларниқидан чи- роили ва баланд учадиган қилиб тайёрлашга уринарди. Лекин ота-оналар фарзан- дига варракни ясаб беришдан кўра тайёрини сотиб олишни аф- зал кўрмоқда. Натижада варрак ясашга оид қадимий кўникмалар аста-секин унутилмоқда. Юқо- рида айтганимиздек, варракни ўз қўли билан ясаш болалар- да сабр, зеҳн ва ижодкорликни ривожлантиради. Шунинг учун бу аънанани сақлаб қолиш, бола-



"ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ"

жамоаси

халқимизни яшариш ва янгилашни айёми –

Наврўзи олам

билан самимий муборақбод этади!

Юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган самарали меҳнатларида улкан зафарлар тилайди!

Наврўз шукӯҳи хонадонларимизга тинчлик, дастурхонларимизга тўкин-сочинлик олиб келсин!

Нозима РАСУЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Бугун вилояти-мизда 100 ёшдан ошган нуронийлар сони 38 нафарни ташкил этади. Улар орасида Чиноз туманининг фахрига айланган, бу йил 106-бахорини қарши олган Меҳри ая Усмонова ҳам бор. Унинг ибратли умр йўли, сабр-тоқати, меҳнатсеварлиги бугунги авлод учун ҳақиқий ҳаёт дарсидир.



▼ Юз билан юзлашганлар

Бир асрлик умр сабоғи

Меҳри ая 1920 йилда Чиноз туманида оддий ишчи оиласида дунёга келган. Отаси Раҳмонкул Маҳмадусмонов оддий деҳқон, онаси Рихси ая уй бекаси бўлган. Кўп фарзандли оилада ўсган Меҳри ая Усмонова ҳаёт кийинчиликларини кўриб улғайди. Ёшлигидан меҳнатга бел боғлаб, сабр билан яшашни ўрганди. У ўз меҳнат фаолиятини 1940 йилда собиқ "Коммуна" совхозида оддий ишчи сифатида бошлади. Уруш даври

Меҳри аянинг сабр-тоқатини янада қарқиндор қилди. 1942 йилдан бошлаб тумандаги ишчи батальонидида меҳнат қилди. Фронт учун узум ва дон маҳсулотларини етиштириш, йиғиб-териб олиш, канал қазиш каби оғир ишларда у каби юзлаб аёллар меҳнат қилар эдилар. Умрининг 40 йили оғир меҳнатда ўтган Меҳри ая 4 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Бугун эса онахон 9 нафар неварани, 23 нафар эвара ва 8 нафар чеваралар

ардоғида умргузаронлик қилмоқда. Онахон нафақат ўз оиласи, балки маҳалла ахли учун ҳам маслаҳаттўйдир. Кўни-кўшилар унинг ҳолидан мунтазам хабар олиб туради. Меҳри ая эса ҳар бир келган одамни ширин сўз билан кутиб олади. У ёшларга сабр, меҳнат ва оиладаги тотувлик ҳақида маслаҳатлар бериб, ҳаёт тажрибасини улашади. Маҳаллада бўладиган тадбирлар, байрам ва йиғин-

ларда Меҳри аяни алоҳида ҳурмат билан кутиб олишади. Онахон тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, исрофгарчиликка йўл қўймаглик ҳақида қимматли маслаҳат ва насихатларини бериб туради. Чиноз заминидида ана шундай нуроний онахонлар бор экан, бу юртининг баракаси ҳам, файзи ҳам ортиб бораверади. **Нигора ЭРКИНБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири**



"ХУДУДГАЗ" ТОШКЕНТ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ

жамоаси
барча юртдошларимизни
файзу тароват, меҳру
мурувват айёми –

Наврўзи олам

билан табриклайди!
Азалий ва абадий қадриятларимиз
рамзи бўлган ушбу айём юртимизга
тўкинлик, хонадонларимизга
файзу барака олиб келсин!



▼ Маҳаллангиз тарихини биласизми?



"ХУМСАНГ" МИ ЁКИ "ХУМСОН"?

Бўстонлик туманидаги Хумсон қишлоғи Ғарбий Тянь-Шаннинг жанубий-шарқий ёнбағри, Угом дарёси бўйида жойлашган. Худуднинг табиати бетакрор, манзараси сўлим, иқлими узига хос.

Маълумотларга кўра, қишлоқ тарихи Х асрга бориб тақалади. Асли номи "Хумсанг" бўлиб, форсча "атрофи тош" дегани маънони билдиради. Тадқиқотлар Хумсондан турли қимматбахо тошлар қазиб олинганини тасдиқлайди. Айрим манзиллардаги шахталардан эса мис қазиб олинган. Шунингдек, худуднинг ён-атрофида қизил гил бўлган, ундан тупроқдан ранг олишда фойдаланилган. Қазилмаларда Тошкент воҳасидан топилган сопол идишларнинг сирланган ялтироқ қизил ранги Хумсон тупроғидан олинган. Мазкур қишлоқда кўплаб зиёлилар яшаган: шоир Элбек (Машриқ Юнусов), Аблай Алимбетов, профессор Озод Хусанов, биолог олим Уктам Пратов, тарих фанлари

доктори Маҳкам Абдураимов, ядро физикаси доктори Зокир Қанақов, техника фанлари номзоди Ҳайбат Хайруллаев, тарих фанлари номзоди Қундуз Нишонбоева, тиббиёт фанлари номзоди Рихситилла Нишонбоев, биология фанлари номзоди Мажид Назиров шулар жумласидан. 2016 йили Хумсон қишлоқ фуқаролар йиғини "Чинор", "Қапал", "Угом", "Хумсон" маҳаллаларига ажратилган. Айни пайтда қишлоқ марказида "Хумсон" маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Айни пайтда худудда 1 та мактаб, 1 та хусусий боғча, 1 та оилавий поликлиника, 3 та санатория, 4 та оромгоҳ, 16 та савдо дўкони, 250 та асарличилиги хўжалиги ва 324 та меҳмон уйлари фаолият юрит-

моқда. Аҳоли асосан туризм, асаларчилик, боғдорчиликдан даромад топади. Маҳаллада 3 минг 409 нафар аҳоли истиқомат қилади. **"Тошкент ҳақиқати" муҳбири Нозима РАСУЛОВА тайёрлади**

▼ Учрашув

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Астрахань давлат техника университети Тошкент вилояти филиалида "Жаҳолатга қарши маърифат билан кураш!" ҳамда "Инсон қадри ва ҳуқуқларининг устуворлиги – тараққиёт пойдевори" мавзуларида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Тошкент вилояти Дин ишлари бўйича бошқармаси худудий бош мутахассиси Дилшод Маҳмудов иштирок этиб, жамиятда маърифатни юксалтириш, ёшларни турли ёт ғоялардан асраш, инсон қадри ва



ҳуқуқларини ҳурмат қилиш масалаларига алоҳида тўхталди. Қайд этилганидек, бу каби маънавий-маърифий учрашувлар ёшларнинг дунёқарашини бойитиш, уларни билим ва маърифатга чорлашда, қолаверса, инсон ҳуқуқларини қадрлаш,

бағрикенглик ва жамиятда тинчликни асраш каби фазилатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, мавзу юзасидан фикр алмашдилар. **Ўз муҳбиримиз**

▼ Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА КУЗАТИЛДИ

Нурафшон шаҳридаги "Ватанпарвар боғи"да Тошкент вилоятидан муддатли ҳарбий хизматга йўл олаётган ёшларни тантанали кузатув маросими бўлиб ўтди. Унда Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этиш арафасидаги 766 нафар йигит ҳарбий хизматга кузатилди.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги масъулари, вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси ҳарбий хизматчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, бўлажак аскарларнинг ота-оналари ҳамда яқинлари қатнашишди. Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратилаёт-

гани, ҳарбий хизмат Ватан олдидаги муқаддас бурч эканини таъкидладилар. Шунингдек, бўлажак аскарларнинг ота-оналари ҳам сўзга чиқиб, фарзандларининг Ватан ҳимоясига отланаётганидан фахрланишларини билдиришди. Яқунда яқинлари билан хайрлашган йигитлар ҳарбий қисмларга кузатилди. **Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

▼ Янги китоб-альбом

АДАБИЁТ ВА ҲАЁТ

Кунни кеча "Ishonch-print" МЧЖда Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюشمаси ҳамда Журналистлар уюشمаси аъзоси, бекободлик фотосуратчи Султонбой Деҳқоновнинг "Адабиёт ва ҳаёт" номли китоб-альбому нашрдан чиқди.



Китоб-альбом Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюشمаси ва Ёзувчилар уюشمаси ҳамкорлигида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли шоир Салим Ашур бадиий муҳаррирлигида чоп этилди.

Китобга сўз бошини Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, халқ расоми Акмал Нур ёзган. Шунингдек, китобдан Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходи-

ми, истеъдодли шоир Эшқобил Шукурнинг китоб-альбомнинг бадиий аҳамияти, ёшларнинг маънавий-маърифий ривожланишига хизмат қилиши ҳақидаги фикрлари ҳам ўрин олган. **Ўз муҳбиримиз**

▼ E'lon
O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 4-yanvardagi PF 5-son Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 6-fevraldagi 95-son qarori talablariga muvofiq "Angren Bunyod Fayz" MCHJ, "Zangiota obodon" MCHJ, "Ohangaron sanitariya tozalash" MCHJ, "Rahnamo Servis" MCHJ, "Toza Hudud" DM va "Zero-Waste" MCHJlar tomonidan Toshkent viloyati hududlarida qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqib ketish xizmatlari uchun 2026-yil 1-apreldan quyidagi tariflar joriy etilmoqda. Qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqish xizmatlari uchun: – Bir nafar aholi uchun bir oylik to'lov **9 700 so'm** qo'shilgan qiymat solig'isiz, **10 864 so'm** qo'shilgan qiymat solig'i bilan; – Yuridik shaxslar uchun 1 m³ **86 890 so'm** qo'shilgan qiymat solig'isiz, **97 316,8 so'm** qo'shilgan qiymat solig'i bilan hisoblanganda.

ХАР ТУНИНГ ҚАДР ЎЛУБОН, ХАР КУНИНГ ЎЛСУН Наврўз!

Бу фасл – табиатнинг қайта уйғониши, янгиланиш ва умид фасли. Шу боис халқимиз уни бежизга “фасллар келинчаги” деб атамаган. Қишнинг совуқ нафаси чекина экан, тоғу даштлар яшиллик либосига бурканади, дарахлар танасида сув юра бошлайди, қиш уйқусидаги ҳайвоноту наботот уйғониб, табиат гўё янги ҳаёт билан нафас олади. Бир сўз билан айтганда, табиат томирларига қон югургандай бўлади.

▼ Шукух

Илмий нуқтаи назардан қараганда ҳам баҳор табиатдаги ўзгаришлар давридир. Астрономия фанига кўра, ҳар йили 21 март кунини Қўёш Ернинг экватори устидан ўтиб, шимоллий ярим шарга йўл олади. Бу ҳолат кеча ва кундуз тенглашиши, яъни баҳорий тенгқунлик деб аталади. Ана шу сана Шарқ халқларида Наврўз – “янги кун”, табиатда эса янги йил бошланиши сифатида нишонланади.

Қадимги астрономлар бу ҳодисани жуда аниқ кузатганлар. Қўёш осмон гумбазида ҳаракатланиб, юлдузлар туркуми орқали бир йилда тўлиқ айланиш йўлини босиб ўтади. Бу йўл илмда эклиптика деб аталади. Ер эса Қўёш атрофида тахминан 365 кун 6 соат давомда айланиб чиқади. Шу сабабли ҳар йили баҳор тенгқунлиги деярли бир хил сана – 21 мартга тўғри келади.

Шу кундан бошлаб Қўёш нурлари шимоллий ярим шарга кўпроқ туша бошлайди. Ер юзаси секин-аста илгийди, тупроқдаги ҳаёт уйғонади. Илмий тадқиқотларга кўра,

баҳор бошида тупроқ ҳарорати бир неча даражага кўтарилгани билан ўсимлик илдизлари фаоллашади. Шундай қилиб, табиатдаги ҳар бир тирик жонзот гўё янги куч-қувватга тўлади.

Наврўз – оддий байрам эмас, у халқлар ўртасида меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик ва дўстликни мустаҳкамлайдиган шукухли айём.

Наврўзнинг қадимийлиги ва маънавий аҳамияти халқроқ микёсда ҳам эътироф этилган. 2009 йил 30 сентябрда Наврўз байрами инсоният маданий меросининг ажралмас қисми сифатида ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатида киритилди. 2010 йил 19 февралда эса Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси 21 мартни “Халқаро Наврўз кунини” деб эълон қилди.

Эндиликда Наврўз нафақат Марказий Осиёда, балки дунёдаги кўплаб мамлакатларда кенг нишонланади.

Ҳозир юртимизнинг ҳар бир маҳалласида Наврўз шукухи се-



зилиб турибди. Кексаларимиз дуода, ёшларимиз шукронада. Давлатимиз раҳбари ҳам ҳар бир чикишида халқ розилиги ҳақида гапирди. Бу бежиз эмас. 2026 йили Ўзбекистонда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши ҳам ана шу эзгу ғоялар билан уйғун.

Зеро, маҳалла мустаҳкам бўлса, жамият барқарор бўлади. Инсон ўз муаммоларини енгиб, коммуналлик интилади. Халқи рози бўлган давлат эса бахтли мамлакатга айланади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг:

“Хар тунинг қадр ўлубон,
Хар кунинг ўлсун Наврўз”,

деган мисралари бугунги кунларимизга ҳам жуда мос келади. Бу сўзлар гўё дуодек жанрангайди. Агар инсоннинг ҳар кунини Наврўздек файзли, ҳар кечаси қадр кечасидек барақали ўтса, бундан ортиқ бахт борми?!

Бу йил Наврўзнинг муборак Рамазон ҳайити билан бирга нишон-

лаши байрамга алоҳида шукух бағишламоқда. Рамазон ойида қилинган дуолар, эзгу ниятлар, саховат ва эҳсонлар Наврўз байрами билан уйғунлашиб, халқимиз қалбига янада нур бағишламоқда. Қўшалоқ байрамлар юртимизга янада файз ва барака олиб келиши шубҳасиз.

Тарихга назар ташласак, бундай ҳолатлар илгари ҳам кузатишган. Масалан, Буюк саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асаридида 1503-1504 йиллар воқеаларини баён этар экан, Наврўз ва ҳайитнинг бир-бирига яқин келгани ҳақида шундай гапир битади:

Янги ой ёр юзи бирла
кўруб ул шод байрамлар,
Манга юзу қошингинд
айру байрам ойда гамлар.
Юзи Наврўзи васли Йидини,
Бобур, ганимат тут –
Ки, мундин яхши бўлмас,
бўлса юз Наврўзу байрамлар.

Ушбу мисралардаги ҳис-туйғулар бугунги кунларимиз билан ҳам уйғун.

Шоир Фафур Ғулومнинг ушбу мисралари ҳам бугунги кайфиятимизга ҳамроҳандир.

Шодлик кўшини босди
саодат кўчасини,
Гўдақлар жаранглар
ҳайитлик тангасини,
Келинчақлар ахтарар
пардоз кутчасини,
Қирқ кокил бўлсин
дейди, қистайди янғасини,
Бугун чин арафадир.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунлар – ҳақиқий шодлик ва шукроналик айёмлари.

Бир сўз билан айтганда, табиат томирларига қон югурган бу фасл – инсонлар қалбига ҳам умид, меҳр ва бахт уруғини сочади.

Ҳар қандай фаровонликнинг асоси эса – тинчликдир. Юртимиздаги осойишталик, тотувлик ва барқарорлик байрамларимизни янада мазмунли қилади.

Гўзал шодиёнанг, Рамазон шукухига чулганган Наврўзнинг муборак бўлсин, азиз Юртим!

Зикрилла МУҲАММАД,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ШУКРОНАЛИК АЙЁМИ

Ушбу муборак ойда Тошкент вилоятининг барча туман-шаҳарларида ҳам саховат ва хайрия тadbирлари амалга оширилди. Бу жараёнда маҳаллаларда истиқомат қилаётган ўзга миллат ва бошқа дин вакилларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, кўнгли ўксик инсонларга қувонч улашилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар, кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, улар учун ифторлик дастурхонлари ёзилди. Ҳомийларни жалб қилган ҳолда хонадонларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Имом-хатиблар ҳамда маҳаллалар ходимлари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини тарғиб этиш, ёш авлодни истиқлол ғоясига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот тadbирлари ташкил этилди. Шу ўринда бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш лозим. Яъники, ҳайит кунини аза туттиш – бу динимизда асоси йўқ бидъатдир. Аллоҳ таоло инсонга ҳайитни шодлик, мукофот ва раҳмат сифатида ато этган экан, уни қайғу ва аза билан алмаштириш – бу неъматга ношукрлик ва адашиш ҳисобланади. Ҳайит – бу руҳий покланиш ва Аллоҳга шукр қилиш кунидир, на аза, на ғамга бурканиш вақти.

Шу кунини яқинларимиз, ота-она ва азизларимизни эслашимиз табиий ҳол. Аммо бундай (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ёдга олиш – аза ва қайғу шаклида эмас, балки улар номидан қилинган хайрли амаллар, садақалар ва фойдали ишларнинг сабабчиси бўлиши лозим.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайит кунини саҳобалар билан бирга байрам кайфиятида бўлганлар. Ул зот ҳеч бир инсонни ёлғиз, ғамгин ҳолда қолдирмас, ҳамманинг қалбига қувонч улашар эдилар. Ушбу улғу намуна ҳар бир мусулмон учун ибрат бўлиши керак.

Ҳайит – бу Аллоҳ таоло томонидан мўмин-мусулмон умматга берилган шодлик ва марҳамат кунидир. Бу кунда аза туттиш, ғам-қайғуга ботиш шариатга мутлақо зид амал ҳисобланади.

Рамазон ҳайитини саранжом-сарихалиқда, юртимизни янада обод этган ҳолда кутиб олиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Анъанага кўра, ҳайит арафасида вилоятимиздаги барча масжидлар, зиёратгоҳлар, табаррук қадамжолар ободонлаштирилди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни муборак Рамазон ҳайити билан самимий кутлайман. Аллоҳ таоло бу улғу ойда қилинган хатми Қуръонлар шарофатидан юртимизга янада файз, барака ёғдирсин. Юртимизни тинч, осмонимизни мусоффо, халқимиз ҳаётини, турмушини бундан-да мазмун ва фаровон айласин. Келаси Рамазон ойига тинчлик-хотиржамликда, ҳузур-ҳаловат ва бағри бутунликда етиш насиб қилсин.

Дониёр ИКРОМОВ,
Тошкент вилояти
бош имом-хатиби

▼ Тарадуд

Наврўз – бу нафақат табиатнинг уйғониши, балки халқ ҳаётидаги барака, бирлик ва янгиланиш рамзи ҳамдир. Кўпчилик Наврўзни тасаввур қилганида фақат сумалак ва ҳалим кўз олдига гавдаланади. Албатта, булар байрамнинг энг машҳур ва рамзий таомлари саналади. Лекин Наврўз дастурхонини шу икки таом билангина чекланмайди. У анча кенг, тарихан бой ва ҳаётини эҳтиёжлар билан уйғунлашган.

ДАСТУРХОН КЎРКИ



Мутахассисларнинг таъкидлашича, Наврўз таомларининг асосий жиҳати – дон, кўкат ва табиий озуқанинг устуворлиги. Бу қишдан кейин организмни “тиклаш”, табиатга уйғунлашиш ва баҳорга тайёрлашга хизмат қилади.

Масалан, оддий кўранадиган, лекин масалунан бой атала ҳам Наврўз дастурхониди ўз ўрнига эга. Ун, ёғ ва баъзан суддан тайёрланади, енгил ва ҳазм қилишга қулай. Қишдан кейин организмни аста-секин енгил озиққа ўтказишда атала муҳим роль ўйнаган. Шу жиҳатлари билан атала ҳам Наврўз руҳиятидаги анъанавий таом ҳисобланади.

Баҳор келиши билан дастурхонда кўкатли таомлар ҳам кўпаяди. Кўк сомса, кўкатли қовурмалар, исма-лоқли нонлар инсон организмни витамин ва минералларга бойитади. Шу билан бирга, чучвара, угра, мастава,

шўрва, гўжа турлари ҳам байрам таомномасида учрайди. Улар енгил ҳазм бўладиган, қишдаги оғир ва ёғли таомлардан кейин организмни уйғунлаштирувчи овқатлар ҳисобланади.

Наврўзда, албатта, паловнинг ўрни катта. Палов нафақат таом, балки байрам, жамоавийлик ва саховат рамзи сифатида катта қозонларда тайёрланади. Айрим қишлоқларда “Наврўз оши” анъанаси ҳануз сақланиб, унинг атрофида халқ бирлашади, меҳмондўстлик намоён бўлади.

Бу каби таомларнинг ҳар бири рамзий маънога эга. Жумладан, пахлава ва шакарбура ширинликлари Наврўз байрамида инсонларга руҳиятни кўтариш ва қувонч улашиш мақсадида тайёрланган. Қадимда бу ширинликлар ҳар бир хонадонда меҳмондўстлик ва барака рамзи сифатида алоҳида қадрланган.

Саримсоқли-кўкатли катлама ва патирлар табиат уйғониши, ҳаётнинг қайта бошланиши рамзи, саховат тимсоли бўлган. Шунингдек, баъзи ҳудудларда қайнатилган тухум ва яшил сабзавотлар ҳам Наврўз таомлари қаторида пайдо бўлади.

Наврўз байрамини ҳар бир ҳудуд ўз ранги, ўз таъми билан янада бойитади. Масалан, ток баргидан тайёрланадиган дўлма – баҳорнинг илк яшил барглари билан пиширилган ҳам Наврўз таомларидан бири. Унинг ҳар бир бурмаси гўё табиатнинг янги нафасини ифода этади. Жумладан, Паркент кўк сомсалари билан машҳур. Айниқса, халқ орасида “мадор сомса” деб аталадиган турли ўзгача таъмига эга.

Оҳангарон йўлларида ҳам қатор терилган кичик тандирчаларда пишаётган сомсалар йўловчилар учун аини мудабо. Сафардошлар тўхтаб, иссиқ сомса ва кўк чой билан баҳор лаззатини ҳис қиладилар. Бу манзараларда самимият, оддийлик ва меҳмондўстлик муҳассам.

Яна айрим ҳудудлар баҳорда тайёрланадиган гўжа таоми билан тилга тушган. У донли маҳсулотлардан тайёрланиб, организмни тозалаш ва куч-қувват бериш хусусиятига эга. Шунингдек, тоғли ҳудудларда турли ёввойи ўтлардан тайёрланадиган қовурма ва шўрвалар ҳам Наврўз дастурхонини безайди. Масалан, қирқбўғим, ялғиз, исмалоқ ўсимликларидан тайёрланган таомлар шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Этиборлиси, баъзи жойларда ҳатто оддий нон ҳам байрамона маъно касб этади. Тандирда янги ёпилган иссиқ нон хонадонга кириб келаётган барака ва фаровонлик рамзи сифатида қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, Наврўз миллий таомлари ҳар бир ҳудудда ўзига хос тайёрланади. Уларнинг ҳар бири соғломлаштирувчи ва жамоавийликни ифода қилувчи аҳамиятга эга. Наврўз дастурхони – бу мисол турли таъмлр билан бир қозонда қайнаётган халқ руҳияти, қолаверса, бир-бирига уйғун ва бир-бирини тўлдирувчи анъаналар мажмуасидир.

“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Меҳридин ИБРАГИМОВ
тайёрлади



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV
Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV
Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Subhrojon SADIROV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

To'xtamurov HASANBOYEV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkentshaqiqati@gmail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 19:30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-335.

8 383 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudko'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.